46/22-сонли
**2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ШАРТНОМАСИ**

Тошкент ш 2022 йил 5 01

Устав асосида иш юритувчи, шартнома матнида «Бажарувчи» деб юритилувчи «Тезкор матбуот почтаси» масъулияти чекланган жамияти номидан директор Р.Гуччиев бир томондан ва низом асосида иш юритувчи, шартнома матнида "Обуначи" деб юритилувчи Чилонзар т ХТБ номидан С.И.Мамадалиев иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди лар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" "Обуначи"га 2022 йил учун обуна уюштириш ва **"Обуначи"нинг юридик манзилига етказиб бериш**, "Обуначи" нашрлар қийматини олдиндан тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Нашрлар тури, сони ва нархи, шунингдек, обуна муддати мазкур шартнома иловадасига Буюртма-спецификацияда келтирилади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Обуначи" нашрлар ўз вактида етказиб берилишини, нашрлар Буюртма-спецификацияга мувофиқ бўлишини, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

2.2. «Обуначи», нашрлар учун ушбу шартномани 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш, шартнома ва Буюртма-спецификацияни бир нусхасини "Бажарувчи"га кайтариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.3. «Бажарувчи» нашрлар учун олдиндан ҳақ тўланишини, етказиб берилган нашрларни кабул килиб олиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «Обуначи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

2.4. «Бажарувчи» тўловдан сўнг МТ-1 шаклидаги квитанциялар ёзиб бериш, нашрларни ўз муддатида ва миқдорларда етказиб бериш, нашрлар етказиб берилмаганлиги оқибатида «Обуначи»га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси **249 997 910**(икки юз кирк тўкиз миллион тўкиз юз тўксан етти минг тўкиз юз ўн)сўм (ҚҚС билан) ташкил этади. Расмийлаштирилган обуна баҳоси "Бажарувчи"томонидан тақдим этилган мазкур шартнома иловасидаги Буюртма-спецификацияда батафсил кўрсатилган.

3.2. "Обуначи" нашрлар туркуми суммасининг 100 (юз) фоизи миқдорида "Бажарувчи"га олдиндан ҳақ тўлайди. Мазкур шартномада келишилган барча хизматлар бажарилганидан сўнг, томонлар ўртасида етказиб берилган обуна нашрлари учун ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзоланади.

3.3. Тўлов банкдан пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз тартибда) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "Бажарувчи" Обуна нашрларини тўлик ўз вактида обуначи тақдим қилган манзилга етказиб беришга маъсулдир.

4.2. Обуначи" обуна тўловини "Бажарувчи"га мазкур шартномада келишилган муддатда ўз вактида амалга ошириш, тўлов амалга ошмаган тақдирда обуна суммасининг 50% фоизидан ошмаган миқдорида, хар бир кечиккан кун учун 0.5% фоизи миқдорда "Бажарувчи"га пеня тўлайди.

4.3. Товарларни йетказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик йетказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар йетказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси йетказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни йетказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик йетказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида йетказилган зарарни қоплашдан озод етмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар мазкур шартномада ўрнатилган тартибдан келиб чиқиб мустақил равишда, уларни судгача ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишмовчилик ва низоли масалаларни ўзаро келишув йўли билан ҳал этишга эришилмаган тақдирда томонлар низони ҳал этиш учун бевосита Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилиш орқали амалга оширади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунга кадар 2022 йил 31.12 гача амал қилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган, шунингдек, томонлар олдиндан кўра билиши ёки олдини олиши мумкин бўлмаган фавкулодда ҳолатлар (сув тошкини, зилзила, табиий офатлар, Томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақиқловчи карор, конун ёки фармойишлари чикиши, шунингдек, шартнома Томонларининг ўзларига боғлик бўлмаган тарзда мажбуриятларини

Scan with

бажара олмасликлари) форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

7.2. Форс-мажор ҳолатида бўлган томон бошқа томонни бу ҳақда 24 соат ичида хабардор қилиши шарт.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холатлар бундан мустасно. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ғазначилигидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килади.

## 9. БАЖАРУВЧИНИНГ ИШ ВАҚТИ, ТАРТИБИ

9.1. Иш куни ҳафтада 5 кун (шанба ва якшанбадан ташқари). Иш вақти 9-00дан 18-00га қадар. Тушлик 13-00дан 14-00гача.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**"БАЖАРУВЧИ"**

**«TEZKOR MATBUOT POCHTASI»**
масъулияти чекланган жамияти
Манзил:100000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси 32 уй,
Х/р: **20 20 80 00 90 54 45 79 10 01**,
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Марказий
Амалиёт минтақавий филиали, МФО **00442**,
ИНН **308932875**, ОКЕД:53200,
ҚҚС руйхатдан утиш коди:
Телефон/факс:233-56-86, 233-53-32

Директор **Р.Гуччиев**

М.Ў.

**"ОБУНАЧИ"**

100022860262947092100075050
Манзил: Чилонзор туман Халк таълими булими
Чилонзор туман и мавзе 2/1 уй 278-23-75
Солик тўловчининг идентификация рақами 100022860262947092100075049
Марказий банк Тошкент ш. Б.Б. ХККМ МФО 00014 ИНН 200794376
Х-р Чилонзор туман Газначилик булими
БАНК: 23402000300100001010
МФО: ИНН 201122919
ОКОНХ:
Тел:

Обуначи раҳбари мудир Н. Сотволдиева

М.Ў.

20 22 йил 11 да тузилган
46/12 -сонли обуна шартномасига ИЛОВА

## БУЮРТМА-СПЕЦИФИКАЦИЯ*

| № | Индекс | Нашр номи<br>Наименование изданий | Неча нусхага /Кол-во экземп. | Обуна муддати /Срок подписки | НДС. | 1 нусханинг бахоси /Цена 1 экземп. | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 150 | Маърифат (ўзбек тили) | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 660 790 | 19 823 700 |
| 2. | 217 | Учител Ўзбекистон | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 508300 | 15 249 000 |
| 3. | 229 | Халқ сўзи | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 1 032 016 | 30 960 480 |
| 4. | 236 | Янги Ўзбекистон газетаси | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 1 477 980 | 44 339 400 |
| 5. | 425 | Замонавий Устоз | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 707800 | 21 234 000 |
| 6. | 426 | Настовник | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 707800 | 21 234 000 |
| 7. | 802 | Бошланғич таълим | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 295800 | 8 874 000 |
| 8. | 902 | Халқ таълими | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 240620 | 7 218 600 |
| 9. | 816 | Гулхон | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 163200 | 4 896 000 |
| 10. | 818 | Ғунча | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 122360 | 3 670 800 |
| 11. | 911 | Шарқ юлдузи | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 769080 | 23 072 400 |
| 12. | 828 | Жахон адабиёти | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 598373 | 17 951 190 |
| 13. | 200 | Ўзбекистон Адабиёти ва санати | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 561000 | 16 830 000 |
| 14. | 4072 | Писихолик маслахати | 30 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 350000 | 10 500 000 |
| 15. | 949 | Ўзб Рес Қонун Хужатлар тўплами | 1 | 01.01-31.07.2022й. | с НДС | 1 118 000 | 1 118 000 |
| 16. | 1134 | Кадрлар масалалари бўйича маълумот | 1 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 1 501 440 | 1 501 440 |
| 17. | 1132 | Солиқ ва бухгалтерия хисоби | 1 | 01.01-31.12.2022й. | с НДС | 1 524 900 | 1 524 900 |
| | | ЖАМИ ОБУНА СУММАСИ: | | | | | 249 997 910 |

"БАЖАРУВЧИ"
Раҳбар

М.Ў.

"ОБУНАЧИ"
Раҳбар Н. Сотволдиева

*Мазкур буюртма-спецификация, унга доир шартноманинг 1 нусхаси "Бажарувчи"га қайтарилиши лозим.*

Scan with

4463616

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TEZKOR MATBUOT POCHTASI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TEZKOR MATBUOT POCHTASI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

ASLIGA TO'G'RI 1048128 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308932875

TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT · TEZKOR MATBUOT POCHTASI · 308932875

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Mirobod tumani, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32 UY.

Guvohnoma: Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):